

633.51

Х-24

**ФАН
ҲАҚИДА
СУҲБАТ
ЛАР**

Ғ. ҲАМИДОВ

**АСАЛАРИЧИЛИК
ВА ПАХТАЧИЛИК**

Бр. 3776/1



№ 50

ФАН
ҲАҚИДА
СУҲБАТ
ЛАР

Ф. ҲАМИДОВ

633.51

Х-24

АСАЛАРИЧИЛИК
ВА ПАХТАЧИЛИК

бр. 3776/1

БИБЛИОТЕКА

Сам. ОХИ

Фр. Самарканд



«ЎЗБЕКИСТОН НАШРИЁТИ»

Тошкент — 1976

Ҳамидов Г.

Асаларичилик ва пахтачилик. Т., «Ўзбекистон»,
1976.
15 б.

Қишлоқ хўжалигини соҳалар бўйича ихтисослаштириш ва жойлаштириш ҳозирги пайтда колхоз-совхозларимиз ҳаётида кенг ўрни олди. Айниқса, қишлоқ хўжалигининг ёрдамчи тармоқларини пахтачилик билан қўшиб олиб бориш масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда. Қўлингиздаги рисолачада халқ хўжалигининг ана шу муҳим проблемалари устида қисқача фикр юритилади.

Китобча қишлоқ хўжалиги билан қизиқувчи кенг ўқувчилар оmmasига мўлжалланган.

Ҳамидов Г. Пчеловодство и хлопководство.

633.51+638.1

Х $\frac{40709-475}{M 351 [06] 76}$ 26—77

© «ЎЗБЕКИСТОН» нашриёти, 1976 й.

МУҚАДДИМА

Асаларичилик ва пахтачилик... Юзаки қараганда бу икки соҳанинг ўзаро алоқадорлиги йўқдек туюлади. Аслида эса ундай эмас. Гўзал табиатимизнинг тирик мавжудотлари ҳисобланган ҳашаротлар — асаларилар ва гўза ўсимлигининг гуллари орасида «улкан боғланишлар» мавжуд.

Республикамизнинг ажойиб табиати ва иқлим шароити қишлоқ хўжалигининг барча соҳалари каби асаларичиликни ҳам муваффақиятли равишда ривожлантириш имконини беради. Чексиз майдонлардаги табиий ўтлоқларимиз, ранг-баранг қир-адирларимиз, бепоён пахтазорларимиз, кенг майдонлардаги боғлар ва гулзорларимиз асаларилар учун ажойиб озиқ манбаи ҳисобланади. Шунга қарамай, ҳозирги вақтда хўжалик бу тармоғининг ривожланиш салмоғи халқимизнинг кундан-кунга ортиб бораётган талабларига етарли даражада жавоб беролмайди.

Шуни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети кейинги йилларда қатор махсус қарорлар қабул қилиб, бу соҳани янада ривожлантириш тadbирларини белгилади. Тошкент ва Фарғона областларида ихтисослаштирилган асаларичилик совхозлари ташкил қилинди. Кейинги йилларда эса Хоразм, Жиззах ва Қорақалпоғистон АССРда ҳам ана шундай совхозлар тузилди. Бу вақтга қадар фақат Самарқанддагина ягона асаларичилик совхозини мавжуд эди.

Асаларичиликни ихтисослаштириш ўз самараларини берди, республикамизда бу соҳанинг ривожланиши ҳамда ундан олинган даромад сезиларли даражада кўпайди. Бу ихтисослаштирилган хўжаликлар сонини янада ошириш масаласи ҳозирги вақтда кун тартибидан турган долзарб масала эканлигидан далолат беради.

Маълумки, асаларичилик инсон учун гоят фойдали бўлган асални, саноат учун хом ашё ҳисобланган асалари мумини беради. Ҳозирги вақтда асал, асалари захари ва сути таркибида киши организми учун гоят зарур бўлган 70 га яқин ферментлар, витаминлар, гормонлар, тузлар ва бошқа кимёвий бирикмалар борлиги аниқланган. Асалари маҳсулотлари медицинада бир қанча касаликларни, шу жумладан асаб, ичак-меда, ревматизм, юрак-қон томирлар, буйрак, жигар, тери, сил, бруцеллез, қон босими ва бошқаларни даволашда муҳим манба ҳисобланади.

Булардан ташқари, асалариларнинг қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини оширишдаги аҳамияти ҳам каттадир.

Асаларичиликнинг ривожланиши унинг етарли озиқ базаси билан таъминланишига боғлиқ. Республикамиз шароитида эса асаларилар учун асосий озиқ манбаини табиий ўтлоқлар, катта майдонлардаги пахта майдонлари (ғўзалар), йўнғичқазорлар, каноп плантациялари, мевали дарахтлар, полиз экинлари, манзарали ўсимликлар ва бошқалар ташкил қилади.

АСАЛАРИ ВА ЎСИМЛИКЛАРНИНГ ЧЕТДАН ЧАНГЛАНИШИ

Классик табиатшуносликнинг асосчилари Ч. Дарвин, К. А. Тимирязов ва И. В. Мичуринлар ўсимлик гуллари билан ёввойи ҳашаротларнинг бир-бирларига боғлиқ эканлиги тўғрисида қимматли фикрларни баён қилганлар.

Олий ўсимликлар (высше растения — мураккаб морфологик тузилишга эга бўлган, пояга ва баргга дифференциацияланган ўсимликлар) гулларининг тузилиши ва уларнинг четдан чангловчи ҳашаротлар билан ўзаро боғлиқлиги Ч. Дарвин асарларида ҳам ўз ифодасини топган. Буюк натуралист олим — «эволюцион таълимотнинг» асосчиси ўзининг шоҳ асарлари бўлган «Турларнинг келиб чиқишида табиий танлаш» (1859) ва «Ўз-ўзидан ҳамда четдан чангланишнинг ўсимликлар дунёсига таъсири» (1876) асарларида табиатдаги бу ўзаро боғлиқликнинг ўсимликлар дунёсидаги улкан аҳамиятини кўрсатиб берди.

Маълумки, ҳозирги пайтда бутун дунёдаги олий ўсимликларнинг 80 процентини четдан чангланувчи турлар ташкил қилади. Маълумотларга кўра, ўсимликларнинг ер юзидан тез тарқалиши ва унинг ҳозирги ҳолатига келишида ҳашаротларнинг, айниқса, асалариларнинг аҳамияти ғоят каттадир. Асаларилар учламчи даврда, яъни ҳали бирламчи даврнинг маҳсули — одам пайдо бўлмасдан 50 миллион йил илгари пайдо бўлган.

Шундай қилиб, юқори ўсимликлар билан ҳашаротлар ва, айниқса, асалариларнинг ҳаёти бевосита ўзаро боғлиқдир. Бу ўзаро боғлиқлик ўсимликларнинг гуллари ва улар томонидан ажратиладиган ширин суюқлик — гул шираси ва гул чанглари орқали содир бўлади.

Гуллар фақатгина кишилар учун эстетик завқ бағишловчи восита бўлиб қолмасдан, балки у табиатда

Ўсимликларнинг чангланишида ва боғлар ҳосилдорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади. Гул чанги ҳашаротлар учун юқори калорияли ва тўйимли озиқ вази фасини ўтайди, чунки у ўз таркибида оқсиллар, карбон сувлар, ёғлар ва витаминларни сақлайди. Ҳашаротлар ва асаларилар бундай гул чангини ўз личинка ва болаларини боқиш учун жуда кўп миқдорда тўплайдилар. Гул чангисиз асалари личинкаси (расплод) ривожланмайди. Шунинг учун яхши ва кучли асалари оиласи ёз фаслида 150 — 200 минг личинкани ўстиради, бу эса 15—20 килограмм гул чангини талаб этади.

Асалари бир килограмм асал йиғиш учун 130 — 150 минг гулга қўниб, унинг шарбатини олиб келади. Агар гул билан асалари ўртасидаги масофа 1,5 километр бўлса, қайтиши билан бирга 3 километрни ташкил этади. Демак, асалари бир килограмм асал йиғиш учун 360 минг километргача йўлни босиб ўтади. Бу эса Ер экваторини 11 марта айланиб чиқишга тенг келади. Асаларилар ана шундай машаққатли меҳнат қилиб, бебаҳо неъмат — бол йиғадилар. Бизнинг шароитимизда ҳар бир асалари оиласи ўрта ҳисобда йилига 90 — 100 килограмм асални ўзлари истеъмол қиладилар. Шунинг назарда тутсак, биз асалариларнинг ёз ойларида бир неча миллионлаб гулларга қўнишини ва узоқ масофага уча олишини яққол тасаввур этамиз. Асаларилар гулдан-гулга қўниб, ўз ҳаракати билан жуда кўплаб гул чангларини бир гулдан иккинчи гулга олиб ўтадилар. Бу нарса эса биологияда муҳим аҳамиятга эга бўлган четдан чангланишни таъминлайди. Гул чанги жуда кўп миқдорда гулнинг оналик органига тушади. Бу ерда эса гул ўз табиатига хос бўлган чангни таълаб олади ва чангланади.

Асалариларнинг бундай фойдали хусусиятларини чет элларда олиб борилаётган тажриба ва кузатишлардан ҳам билиш мумкин. Америка Қўшма Штатларида асаларилар туфайли экинларни чанглатиш айниқса яхши йўлга қўйилган. Маълум бўлишича, фермерлар ва катта боғ эгалари ўз экинларини чанглатиш учун асалариларни ёллайдилар. Экинзорларни чанглатишга жалб этилган ҳар бир асалари оиласи учун асаларичилар боғ эгаларидан уларнинг «хизматлари» эвазига (боғларни ва экинзорларни чанглаб, уларнинг ҳосилдорлигини ошириш учун) 5 доллардан 10 долларгача ҳақ оладилар. Америка Давлат департаментининг маълумотига кўра, АҚШда асаларилар туфайли экинларни

четдан чанглатишдан келадиган даромад, асалари маҳсулотларини, яъни асал ва асалари мумини сотишдан келадиган даромаддан 20 марта юқори туради.

Асаларилар туфайли четдан чанглатилган мевали дарахтлар ҳосилдорлиги 50—60 процент, кунгабоқар, рапс, горчица ҳосилдорлиги 45—50 процент, гречиханики 50—55 процент, эспарцет, бурчоқ ва йўнғичқаники 35—40 процент ва полиз экинлариники 100—150 процент ортади. Экинларни асаларилар билан чанглатилганда, уларнинг ҳосилдорлиги ошибгина қолмай, сифати ҳам сезиларли даражада яхшиланади. Шу усулда чанглатиш натижасида олинган мева ва доннинг ҳажми катта, уларнинг униб чиқиши тез ва яхши бўлади, бу сифат белгилари келгуси авлодга ҳам ўтади. Шундай экан, Ўзбекистонда ва бизнинг республикадан ташқарида ҳам экинларни албатта асаларилар билан чанглатиш масаласига алоҳида аҳамият бериш керак.

АСАЛАРИ ВА ҒЎЗАНИНГ ЧАНГЛАНИШИ

Ғўза шу номли авлодга ва гулхайридошлар оиласига мансуб бўлиб, аслида кўп йиллик, бизнинг шароитимизда эса бир йиллик ўсимлик ҳисобланади. Гуллари тўғри, беш аъзолик. Қосачаси бешта баргчадан ташкил топган. Тожбарглари ҳам бешта. Чанглагичлари кўп ва уларнинг ипчалари бир-бирлари билан туташиб кетган. Қосачаси одатда икки қаватли. Уруғчиси кўсак ҳолида. Гулбарглари (гуллари) катта-катта, сариқ ва оқиш рангли. Барглари уч-беш ва етти данжали.

Маълумки, бизнинг республикаимиз СССРнинг асосий пахта базаси ҳисобланади. Бизда ғўза ўстириладиган майдонлар 1 миллион 700 минг гектардан ошади. Шеробод, Қарши ва Жиззах чўлларини ўзлаштириш ниҳоясига етгач, бу майдон яна ҳам кенгаяди. Ғўза ҳар хил экологик шароитга боғлиқ ҳолда июнь ойининг охирларидан гуллай бошлайди. Унинг қийғос гуллаши эса июлнинг биринчи декадасидан бошланади. Демак, асаларичиларимиз ўз хўжалиklarини пахта майдонлари атрофларига 10—15 июллардан кечикмасдан олиб келтиришлари лозим. Кези келганда шуни айтиб ўтиш керакки, асалари хўжаликлари жойлаштирилган майдонларнинг атрофларига ҳам ўрта толали, ҳам ингичка толали пахта навлари экилса мақсадга мувофиқ бўлур эди. Илғор асаларичиларнинг таъкидлашларига қараганда, бу икки хил тур пахтанинг бўлиши олинадиган асал миқдорини бирмунча оширар экан. Буни амалда

қўлланиш қийин, албатта. Чунки бизда ҳар бир район ва областнинг иқлим шароитига мослашган ва ихтисослаштирилган навлар экилади. Шунга қарамай, айрим районларда ҳам ўрта толали, ҳам ингичка толали пахта навлари экилади. Шундай районларда, албатта, асалари хўжалиklarини ташкил қилиш керак. Бизга маълумки, ғўза гуллари эрталаб соат 8—9 лардан очила бошлайди, шунга кўра асаларилар ҳам уларнинг гулларига худди шу соатлардан бошлаб қатнай бошлайдилар. Эрталаб ҳали гул тўлиқ очилмайди, шира ҳам шу сабабли кўп ажралмайди. Бу пайтларда табиийки, асалариларнинг ғўзага қатнаши суст бўлади. Ғўза гуллари куннинг ўрталарига келиб тўлиқ очилади, шира ҳам шу пайтларда кўп ажрала бошлайди. Асаларилар шу пайтдан бошлаб то кеч 6—7 ларгача энг кўп шира тўплайди.

Ғўза гуллари томонидан ажраладиган ширанинг ажралниш динамикаси ҳам характерлидир. Ҳали ғўза гуллари гунча ҳолидаёқ шира ажрала бошлайди. Илгари эслатиб ўтганимиздек, ширанинг энг кўп ажралиши соат 10—11 лардан кеч соат 5—6 ларгача давом этади. 1971 йилда Бухоро области шароитида ўрта толали ғўза навлари (108-Ф, 138-Ф, 164-Ф ва «Тошкент-2») ҳар бир гулининг шира миқдори эрталаб соат 9 да 0,20 мг дан 1,20 мг гача борганлигини, икки соатдан сўнг эса бу рақам 1,53 мг дан 3,70 мг гача кўтарилганлигини аниқладик.

Шуни айтиш керакки, ингичка толали пахта навларининг шира миқдори ўрта толалиларникига қараганда бир неча марта юқори бўлади. Биз республикамизда энг кўп тарқалган С-6030 навининг (ингичка толали) шира ажратишини ҳам тажрибада синаб кўрдик. Соат 9 да ҳар бир гул 1,80 мг шира ажратди, ҳар икки соатдан кейин бу кўрсаткич жуда тез суръатлар билан орта борди. Куннинг иккинчи ярмига келиб эса шира ажрალიши сусая борди.

Ингичка толали пахта навларининг шакар миқдори ўрта толалиларникига нисбатан анча паст бўлади. Ширадаги шакар миқдори эрталаб 20—22 процент бўлса, кечга бориб у 40—45 процентга етади. Шундай қилиб юқоридаги рақамлардан кўришиб турибдики, ҳар икки хил ғўза навлари ҳам Ўзбекистон шароитида яхши шира ажратади. Бундай пахта далаларига яқин жойлашган асалари оиласи 20—30 кг дав асал йиғади.

Асаларилар пахтани четдан чагшлашда ҳам актив

иштирок этади. Асалариларнинг пахтани четдан чанглатиши билан боғлиқ масалалар пахтакор районларда бир неча бор текшириб кўрилган. Бундай тажрибалар Ўзбекистон, Озарбайжон ва Қозоғистон шаронтларида яхши натижалар берди. Тажриба шуни кўрсатдики, асаларилар билан чанглатилган пахта далаларида ҳосилдорлик 20—25 процент юқори бўлди. Демак, асаларилар билан четдан чанглаш масаласини пахта ҳосилдорлигини оширувчи агротехника тадбирлари қаторига қўйиш мумкин.

Асаларилар билан чанглатилган пахтанинг қатор сифат белгилари ҳам яхшиланади. Бу хусусиятлар ирсиятга ўтиши ҳам тажрибаларда исботланган. Биз шу ўринда асаларичилик ва пахтачиликни узвий равишда ривожлантиришга тўсқинлик қиладиган баъзи восита ва ҳолатлар тўғрисида тўхталиб ўтмоқчимиз. Бу нарса кўпчиликка маълум бўлган пахта далаларида қўлланиладиган кимёвий бирикмалардир. Ҳозирги вақтда ғўза зараркунандаларига қарши барча кимёвий бирикмалар (гербицидлар) кенг миқёсда ишлатилмоқда. Бундай бирикмалар, албатта, асаларичиликка ҳам катта путур етказади. Бундай ҳол фақат бизнинг республикамиздагина эмас, балки бутун дунёда асаларичилик соҳасида катта қийинчиликлар туғдирмоқда. Бу соҳада ҳозир жиддий илмий кузатиш ишлари олиб борилаётир.

Ҳозирги вақтда кимёвий бирикмалар таъсиридан асалариларни бевосита сақлаб қолиш чоралари ишлаб чиқилгани йўқ. Лекин бу борада бизнинг республикамизда жиддий уринишлар бўлаётир. Асалариларни бошқа усуллар билан ҳам заҳарли химикатлар таъсиридан сақлаб қолиш мумкин: яъни, далаларга дори сепилишидан олдин шу атрофда жойлашган асаларичиларни дефолиациядан хабардор қилиш керак. Асаларичилар эса ўз навбатида арилари бу жойдан 3—4 километр узоқликка кўчириб кетишлари керак. Дори сепилган пахта майдонларига асаларилар 3—4 кундан кейингина келтирилиши лозим. Агар шу майдонлардан асалариларни узоқлаштириш имкони бўлмаса, дарҳол шу ернинг ўзида маълум тадбирий чораларни амалга оширишга тўғри келади. Бунда 3—4 кун давомида асалариларни ўз инларида сақлаб, уларнинг учишларига йўл қўймаслик лозим. Асалари инларини маълум вақтларда шамоллатиб, уларни сув билан таъминлаб туриш зарур. Шундай тадбирий чоралар амалга оширилса асалариларни заҳарланишдан сақлаб қолиш

мумкин. Маълумки, ғўзанинг бир нечта турлари мавжуд, СССРнинг пахтачилик районларида эса, асосан қуйидаги турлари экилади: жайдари ғўза (Госсипиум хербасеум), миср ғўзаси (Госсипиум барабадензе) ва америка ғўзаси (Госсипиум хирзитум). Биринчи тур — бу қадим замонларда кўп экилган. Ўтган асрнинг охирига келиб унинг ўрнини миср ва америка ғўзалари эгаллади. Ҳозирги вақтда барча пахтакор районларда, областларда ва республикаларда асосан америка пахтаси экилади. Бу турга барча ўрта толали ғўза навлари киради. Миср пахтаси эса асосан республикамизнинг жанубий районларида — Сурхондарё ва Қашқадарёда экилади, қисман эса Бухоро ва Наманган областларида ҳам экилмоқда. Бу турга кўпчиликка маълум ва машҳур бўлган ингичка толали совет сортлари киради.

Ќўза ўсимлигининг гуллари катта-катта бўлиб, кўп шира ажратиш хусусиятига эга. Ќўза ўсимлигининг гул шира ажратиши туфайли деҳқончилик районларимизнинг асосий «асалли» ўсимликларидан саналади ва у асаларичиликда катта аҳамиятга эгадир.

Ҳозирги вақтда Совет Иттифоқида ва чет элларда ғўзанинг гул шира ажратиш хусусиятлари ва шунга боғлиқ бўлган барча жараёнлар тўғрисида кўплаб илмий мақолалар ва китоблар нашр қилинган. Бундан ташқари, ғўзанинг четдан чангланиши ва бунинг пахта ҳосилдорлигига таъсири ҳам етарли даражада талқин этилган.

Мамлакатимизда кўплаб ғўза ўстирилиши ва унинг ҳосилдорлигини ошириш борасида олиб борилаётган илмий-тадқиқотлардан қатъи назар, ҳали ғўза гул ширасининг миқдори тўғрисида фанда ягона фикрга келинган эмас. Т. И. Қазиевнинг ёзишига (1964) Озарбайжон шаронтида ғўзанинг шираси гектар бошига 16—35 килограммни ташкил қилади. М. И. Иванова Парейскаянинг (1948) маълумотига қараганда эса, ўрта толали ғўзалар гектар бошига Ўзбекистонда 75—90 килограммгача ва ингичка толали сортлар 300 килограммгача гул шира ажратадилар.

Ҳозирги вақтда қишлоқ хўжалиги, шу жумладан асаларичилик ҳам тез суръатлар билан ривожланмоқда. Шунинг учун ҳозирги кунда республикамизнинг «асалли» ўсимликлари ва уларнинг маҳсулдорлигини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади. Республикамизнинг мазкур асал берувчи ўсимликлари резервларини қидириб топиш ва аниқлаш ҳозирги куннинг актуал масалаларидан бирига айланган. Шунини ҳисобга олиб, биз

1971—1975 йилларда Бухоро ва Сурхондарё областлари шароитларида ғўзанинг гул шира ажратиши билан боғлиқ масалаларни илмий жиҳатдан ўрганишга ҳаракат қилдик. Қуйида шу маълумотлар тўғрисида қисқача тўхталиб ўтамиз:

Ўрта толали ғўза навлари. Ҳозирги вақтда республикамизнинг асосий майдонларига ўрта толали ғўза навлари экилади. Бу навлар ғўза ўстириладиган ялпи майдоннинг 90 процентдан кўпроғини ташкил қилади. Шунинг учун ҳам ўрта толали пахта навлари республикамизда асаларичилик хўжаликлари учун асосий озиқ манбаларидан биридир.

1971-1972 йиллар Бухоро областининг Гиждувон райони шаронтида ҳар хил навли ўрта толали пахта гулларининг шира ажратишини кузатиб бордик. Бу навлар орасида республикада қадимдан экилиб келинаётган машҳур 108-Ф, 138-Ф, 153-Ф, 164-Ф ва «Тошкент» навлари бор эди. Кўпчилик навлар, шу жумладан «Тошкент» навларининг шира ажратиши биринчи марта ўрганилди.

Маълумотларнинг илмий жиҳатдан тўлиқ бўлиши учун биз мазкур навларни гуллаш даврлари, ҳар гектарига ўсимлик сони ва ҳар бир ўсимлик учун ўртача гул сонини ҳам аниқ ҳисобга олдик. Бухоро области шаронтида ғўзалар июль ойининг биринчи ўн кунлигида қийғос гулга киради. Шунинг учун бу область пахта майдонларига 10 — 15 июлдан кечикмай асалари хўжаликларини олиб келиб жойлаштириш керак. Бу навлар ниҳоли ҳар гектар майдон ҳисобига 56 — 85 минг тупни ташкил қилади. Ҳар бир тупда эса 16 — 26 тагача шира ажратувчи гуллар пайдо бўлади.

Мазкур навларнинг ҳар бир гули 1971 йили 0,55 дан 10,30 миллиграммгача шира ажратди. Шира таркибининг 31 дан 60 процентгачасини шакар моддаси ташкил қилди. Уша йили «Тошкент» навлари ҳар бир гули ҳисобига 0,90 дан 6,30 миллиграммгача гул шираси ажратди. Шуниси характерлики, ширадаги шакар моддасининг миқдори (45 дан 70 процентгача) жуда юқори бўлди.

1972 йили ҳар бир навнинг шира ажратиши бир-биридан кескин фарқ қилди. Умуман олганда, Бухоро области шаронтида ҳар бир нав ғўзанинг гектарига шира ажратиши 9 килограммдан 25 килограммгача етди. Шу жумладан, «Тошкент» навлари гектарига 20 килограммгача гул шира ажратиши аниқланди.

1975 йили Сурхондарё областининг Денов районида (Денов нав синаш участкасида) ўрта толали ғўзанинг 16 нави ўрганилди. Текширишлар шуни кўрсатдики, бу район жуда иссиқ бўлишига қарамай ғўзанинг гул шираси бошқа шароитларга нисбатан кўп миқдорда ажралаар экан.

Навларнинг гул шира миқдори ҳар хил бўлиб, у 1,8 дан 20,6 миллиграммга етди. Гул шираси таркибидаги шакар моддаси миқдори Бухоро шароитидагига қараганда бир оз камроқ (33,2 дан 54 процентгача) бўлди. Ҳар гектар майдон ҳисобига гул шира 16,7 — 39,2 килограммни ташкил қилди. Шира миқдорини маълум формула бўйича асалга айлантириб ҳисоблаш ҳам мумкин. Шу йўл билан ҳисоблаганимизда, Сурхондарё области шароитида ўрта толали ғўза навлари ҳар бир гектар майдон ҳисобига II дан тортиб то 34 килограммча асал беришлари мумкин. Гул шираси ёки асални ҳисобга олганда, албатта пахтанинг ҳар бир гектарга жойлашиш зичлиги ва гулларининг сони ҳисобга олинади. (I-жадвал).

Ингичка толали ғўза навлари. 1975 йилнинг февраль ойида Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети республикада ингичка толали пахта етиштиришни кўпайтириш тўғрисида махсус қарор қабул қилди. Қишлоқ хўжалик ходимлари олдида ўнинчи беш йилликда ингичка толали ғўза навлари экиладиган майдонларни янада кенгайтиришдек улкан вазифа турибди.

Келгусида Қашқадарё ва Сурхондарё областларида янги ўзлаштирилаётган ерларга ҳам ингичка толали ғўза навлари экиш кўзда тутилмоқда.

Маълумки, ингичка толали навларнинг асаларичиликдаги аҳамияти гоят каттадир. Бу масала тўғрисида ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, ингичка толали ғўза навлари асаларичилигимизнинг асосий озиқ манбаи ва асосий асал олиш резервларидан бири ҳисобланади. Бу навларнинг гуллари катта бўлиб, жуда кўп гул шира ажратадилар, ундан олинган асалнинг сифати бирмунча юқори бўлади.

1971 — 1972 йиллар мобайнида Бухоро области шароитида 18, Сурхондарёда эса 5, ҳаммаси бўлиб 23 нав ингичка толали ғўзанинг гул шира ажратиши ва шира маҳсулдорлиги аниқланди. Улар асосан июнь ойининг охирлари ва июлнинг бошларида гуллай бошлайди. Уларнинг ўрта толали навлардан фарқи шуки, бу нав-

Ўрта толали гўза навларининг Сурхондарё
области шаронтида гул шира ажратиши
(1975 йил маълумоти)

Нав	Бир гулнинг ши- раси (мг)	Ширадаги шакар миқдори, (%)	Ҳар гектарга гўза тупининг жойла- шиши (минг дона)	Гектарига шира миқдори (кг)	Гектарига шакар миқдори (кг)	Гектарига асал ҳисобида (кг)
АН-403	13	46,3	83	—	—	22,84
„Қизил равог“	16,5	45,5	83,3	39,13	19,92	23,82
Сузакский	10	40,6	82,6	19,20	14,07	16,87
„Тошкент“-1	12,3	37,6	82,5	29,76	13,71	15,48
„Тошкент“-3	16,20	37,6	80,6	28,35	13,12	15,74
„Тошкент“-4	4,80	47	77,6	16,74	9,76	4,56
С-2002	16,4	38	72,3	25,39	11,37	13,64
С-2605	19,75	33,25	81,6	22,17	11,01	13,21
108-Ф	20,6	36,2	76,0	38,10	17,08	20,49
166-Ф	3,66	40	83,7	23,31	15,05	18,12
138-Ф	5,0	38,4	79,4	12,36	13,84	16,44
164-Ф	5,0	43	82,6	24,43	16,52	19,82
165-Ф	1,8	34,5	81,9	16,02	19,59	23,49
172-Ф	3,3	54	79,6	22,43	9,31	11,17
173-Ф	2,3	34,6	83	22,61	28,88	34,65
108-Ф	8,6	40,1	77,9	21,77	10,96	13,15

лар гўзаси бир гектар майдонга бошқа гўзаларга нисбатан кўпроқ жойлашади. Бу гўза навлари ҳар гектар майдонга ўрта ҳисобда 90 — 100 минг тупдан тўғри келади. Ҳар бир тупдаги ўртача гул сони ҳам анча юқори (25 — 30 тадан). Маълум бўлишича, шира ажралиш нормал давом этган йиллари ҳар бир гулнинг шира миқдори ўрта ҳисобда 25—30 миллиграммни, ҳар гектар майдон ҳисобига эса 80 — 100 килограммни ташкил қилади. Кузатиш олиб борган йилларимиз мобайнида бу навларнинг гуллари асаларилар эрта саҳардан то қоронғу тушгунга қадар қўнганини кўрдик. Бу навлар қийғос гуллаган пайтларда шу далаларга жойлаштирилган

асаларилар оиласи (контроль оилалар) ҳар куни 1,5 — 2 килограммдан «ҳосил» олиб келиши аниқланди.

Ҳозирги пайтда ингичка толали ғўза навлари экиладиган Ғиждувон атрофидаги районларга бошқа жойлардан, қўшни Самарқанд областидан ҳам асаларилар келтирилади. Пахта далаларидан моҳир асаларичилар ҳар йили 30 — 40 килограммга етказиб асал йиғиб олмақдалар.

Бухорода гул ширанинг ажралиши ва унинг асаларилар томонидан олиншига ягона бир омил салбий таъсир кўрсатади. Бу июль ва август ойларида Бухоро областида иссиқ шамолнинг кўп эсиши билан боғлиқдир. Аммо бундай шамоллар ҳар йили ва ҳар доим ҳам бўлавермайди. Лекин бундай ноқулайликка қарамай асаларилар гул шира йиғаверадилар.

Ингичка толали ғўза навларининг кўп миқдорда гул шира ажратишини Сурхондарёда олиб борган тажриба ва кузатишларимиз ҳам яна бир бор амалда исбот қилди. (2-жадвал).

2-жа д в а л

Ингичка толали пахта навларининг Сурхондарё
области шароитида гул шира ажратиши
(1975 йил маълумоти)


Нав	Бир гулнинг шираси (мг)	Ширадаги шакар миқдори, (%)	Ҳар гектарга ғўза туپининг жойла- шини (минг дон)	Гектарига шира миқдори, (кг)	Гектарига шакар миқдори, (кг)	Гектарига асал ҳисобида, (кг)
5904-И	64,2	31,0	167,0	291	90,2	108,2
С-9647	44,0	24,4	165,9	187,2	45,6	54,7
С-6029	38,0	30,5	167,1	153,0	467,7	53,0
С-6030	58,0	25,0	166,9	193,5	38,4	46,0
С-6035	54,0	24,4	166,9	153,1	36,7	44,0
С-6037	59,0	22,4	167,0	222,3	49,7	59,6
С-9711	18,4	24,4	168,8	113,7	27,7	33,2
Т-7	35,0	27,6	167,0	169,0	46,6	55,9
„Бухоро“-1	67,7	22,8	167,0	260,0	59,2	77,6
„Ашхобод“-11	36,0	32,7	166,8	181,2	59,2	70,0

Биз ўрганган 10 та ингичка толали ғўза навларининг Сурхондарё области шароитида шира ажратиши 113-291 килограмми ташкил қилди. Бу рақамларни асалга айлантириб ҳисоблаб кўрсак, кўпчилик навлар ўрта ҳисобда 40 — 50 килограммдан асал бериши маълум бўлди. Демак, ингичка толали ғўза навлари жуда ҳам «серасал» бўлиб, ундан мул ва сифатли асал олиш мумкин.

Шуни алоҳида эътироф этиш керакки, республикаимиз бўйича экилаётган ўрта толали ғўза навларининг ажратган гул шираси тахминан 32 миллион килограмми, ингичка толали ғўза навларининг ажратган гул шираси эса 10 миллион килограмми ташкил қилади. Бошқача қилиб айтганда, шунча миқдордаги гул ширасидан 20 миллион килограмм асал олиш мумкин. Бу рақам пул ҳисобида 40 — 45 миллион сўми ташкил қилади.

Бундан ташқари, республикаимиз пахта майдонлари асаларилар билан четдан чанглатилса қўшимча равишда яна 500 минг тонна пахта ҳосили олиш мумкин.

Асаларичилик -- сердаромад соҳа. Унинг бугунги ривож қишлоқ хўжалигининг бош тармоғи бўлмиш пахтачилик тараққиёти билан бевосита боғлиқдир. Асаларичиликни пахтачилик билан тўғри уйғунлаштириш ва жойлаштириш республикаимизда пахта ҳосилини ҳам, шифобахш неъмат-асални ҳам янада кўпайтириш имконини беради.



Гулям Хамидов

ПЧЕЛОВОДСТВО
И ХЛОПКОВОДСТВО

На узбекском языке

Издательство «Узбеки-
стан» — 1976 — Ташкент,
Навои, 30.

Отпечатано в ордена Тру-
дового Красного Знамени
типографии издательства
ЦК КП Узбекистана, Таш-
кент, «Правда Востока», 26.

Редактор А. Пўлканов
Техредактор С. Собирова
Корректор С. Содиқова

Теришга берилди 22/X-1976 й. Бо-
сишга рухсат этилди 14/II-1977 й. Қо-
ғоз формати 84×108¹/₃₂. № 2. Босма
л. 0,5. Шартли босма л. 0,84. Нашр
листи 0,66. Тиражи 6346. «Ўзбекистон»
нашриёти, Тошкент, Навои, 30. Шарт-
нома № 284—76.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети
нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ
орденли босмахонаси, Тошкент,
«Правда Востока», 26. Заказ № 1772.
Ваҳоси 4 т.